


Ўзбекистон мусулмонлари идораси

**УМРА
ЗИЁРАТИ**

*«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2008*

86.38

Ю 34590
091



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитасининг 917 рақамли тавсияси билан
чоп этилди.

ISBN 978-9943-306-38-7

© «Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008 й.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

МУҚАДДИМА

Мустақиллигимиз шарофати билан юртдошларимиз муборак Ҳаж ва Умра сафарларига бориш шарафига муяссар бўлмоқдалар. Шу боис ушбу сафарлар билан боғлиқ айрим мулоҳаза ва йўл-йўриқлар билан таништиришни ният қилдик.

Умра сафарига тайёрланар экансиз, ушбу қўлланма билан батафсил танишиб чиқшингизни тавсия қиламиз. Ўйлаймизки, бу қўлланма муборак Умра амалларини бажаришда сизга ёрдам беради ва сафар давомида ҳамроҳингиз бўлади.

Аллоҳ сизни Умра сафарига танлагани муборак бўлсин.

УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР

Муҳтарам зиёратчилар!

Ташриф буюрадиган жойларингиз муқаддаслиги ва шарафини чин қалбдан ҳис қилган ҳолда яшанг. Умрангиз қабул бўлишини тилаб, баъзи кўрсатмаларни тақдим этамиз:

1. Умранинг ибодат эканини яхши биласиз. Аллоҳ буюрган ҳар бир ибодатнинг ўзига яраша амаллари бўлиб, уларни бизга Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз сўзлари, амаллари ва тақрирлари билан баён қилиб берганлар. Мусулмон киши ўша амалларни камайтириш ёки кўпайтириш ҳуқуқига эга эмас. Акс ҳолда амал қабул бўлмайди. Ҳадисда:

"Ким ишимизда йўқ амални қилса, қабул бўлмайди", – дейилган.

2. Мусулмон киши учун умра энг яхши маконда, энг яхши ҳолда адо этиладиган энг шарофатли ибодатлардандир. Унда

иғво, гуноҳ ишлар ва тортишувлар йўқдир. Унда тахлил, такбир, дуо, илтижо ва Аллоҳ олдида итбат, қийинчиликларга бўйсуниб бор.

3. Умра амаллари Аллоҳ ва Расулulloҳ (с.а.в.)нинг амрлари доирасида бўлиши ва Аллоҳнинг тавҳиди ва шариатига хилоф бўлмаслиги керак.

4. Аллоҳнинг ғазабини келтирадиган, у қайтарган нарсалардан четда бўлмок зарур.

5. Байтуллоҳга ким кирса, омонда бўлади. Яъни у ҳар бир кўркувчи қалблар учун омонлик масканидир. Шунинг учун ҳар бир мусулмон у ерда омонлик қарор топиши учун ҳаракъат қилмоғи вожиб. Ўз навбатида бошқа махлуқот ва жонзот ҳам Байтуллоҳ соясида омонда бўлиши керак. Демак, дарахтлар кесилмайди, қушлар ов қилинмайди, чўчитилмайди, умуман жониворларга озор берилмайди.

6. Соғлиғингизга аҳамият беринг. Офтоб уришидан сақланинг. Қаттиқ иссиқда юрманг. Агар офтоб урганини сезсангиз дарҳол шифокорларга муурожаат қилинг.

7. Пулингизни йўқотиб ёки ўғирлатиб қўймаслик учун тавоф, сайъ каби тиқилинч жойларда пул олиб юрманг.

8. Бировнинг тинчлигини бузиб, жонига, обрўсига ёки молига тажовуз қилманг. Бошқалар билан талашиб-тортишиб, жанжаллашиб, сўкишиб юрманг. Ёлғон гапирманг, фужурга чақирманг.

9. Қаерда бўлса ҳам жой ва кийимингиз пок бўлсин. Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни шунга буюрган: **"Уйимни тавоф қилувчилар, ибодатда турувчилар, рукуъ қилувчилар учун покла"** ("Ҳаж" сураси, 26- оят).

Эҳром пайтида ғусл қилиш Расулulloҳ (с.а.в.)нинг суннатларидир. Бу ғусл зиёратчилар сиздан озор топмаслиги учун озодалик ниятида бажарилади. Чунки ислом мусулмон кишининг кийими, бадани ва маскани пок бўлишга буюради.

10. Умра пайтида Аллоҳга тоат-ибодат эта туриб, унга дунёвий ишларни аралаштиришингиз тўғри келмайди. Зеро, ислом манбаларида

"Аллоҳга ихлос билан ибодат қил", дейилади.

11. Ҳажарул асвад¹га етишаман, деб ўзингизни тиқилинчга урманг.

Уни ушлашнинг иложи бўлмаса, узоқдан туриб, ишора қилиб, такбир айтса ҳам бўлаверади.

12. Каттага ҳам, кичикка ҳам, аёл ва заифга ҳам меҳрибон бўлинг.

Бошқаларни қўл ёки оёқ билан туртиб ёки суриб юборманг.

13. Ҳеч қандай китоб, сурат ёки бошқа адабиёт, буклет нашр маҳсулотларини олиб юрмасликни тавсия қиламиз.

14. Ҳар қандай касалга чалинганда дарҳол шифокор ёки гуруҳ раҳбарига муурожаат қилинг.

15. Ишга ёлланмаслик зарур. Нима учун келганингизни унутманг.

¹Ҳажар ал-Асвад – мусулмонлар зиёрат қиладиган тош. У Каъба деворларидан бирига ташқаридан жойлаштирилган. Ҳаж ва Умага борган мусулмонлар уни ўпиб ёки қўл теккизиб, зиёрат қилишади. Қора тошни ўпиш ёки қўлининг ички тарафи билан унга ишорат қилиб, сўнг қўлини ўпиш (истилом) суннат амалдан ҳисобланади.

16. Ишчи гуруҳ томонидан тақдим қилинган кўкрак нишонини йўқотманг. Ўзингиз тушган меҳмонхонанинг манзили, телефон рақами, Ўзбекистоннинг Жиддадаги Бош Консулхонаси телефон рақамларини ўзингиз билан олиб юринг.

17. Ўзингиздаги расмий қоғоз ва пулларни ишчи гуруҳ хизмат хонасида сақланг. Керагидан ортик пулни ўзингиз билан олиб юрманг, нарсаларингизни эҳтиёт қилинг. Ўғирлик ва шунга ўхшаш ишларга дучор бўлсангиз, дарҳол ишчи гуруҳ аъзоларига мурожаат қилинг, улар керакли чора кўришади.

18. Қайси юртга келсангиз ҳам ўша ернинг қонун ва тузумларини билишга ҳаракат қилинг. Барча давлатлардаги низомга биноан, ким бир мамлакатга борса, ўша давлатдаги қонун ва низомларга бўйсунди.

Саудия Арабистонида амал қилинаётган дастур Ислом шариати бўлиб, шариат кўрсатмаси бўйича иш тутилади. Масалан, ўғрининг қўли

кесилади, тажовузкордан қасос
олинади.

Сафарингиз ва бу юртга келишингиз
ҳеч қачон тўсиққа учрамаслиги учун бу
ерга олиб келиниши ман қилинган
нарсаларни эслатиб ўтамыз:

– курол-аслаҳа ва портловчи
моддалар, шахсий эҳтиёж учун ҳам,
тижорат учун ҳам мумкин эмас;

– ҳар қандай миқдор ва турдаги маст
килувчи ичимликлар, наркотик моддалар;

– ахлоқсиз фильм ва суратлар;

– сиёсат ва ташвиқот соҳасидаги
китоб ва нашрлар;

– Ислом ақидасига зид китоблар.

Умра қилишни ният қилган ва
юқоридаги амалларни бажаришни
бўйнига олган кишилар сафар
ҳужжатларини расмийлаштирадилар.

Ўтган йилларнинг тажрибасидан
келиб чиққан ҳолда, зиёратчилар эллик
кишилик гуруҳларга бўлиниб, гуруҳ
раҳбарининг бошчилигида самолётга
чиқиб, Жидда шаҳри томон парвоз
қиладилар.

Ҳар бир зиёратчи сафар давомида
гуруҳидан ажралмаслиги, гуруҳ

рахбарининг барча кўрсатмаларини сўзсиз бажариши умра ибодатининг мукамал ўтишига омил бўлади.

Зиёратчилар Жидда аэропортига етиб келганларидан сўнг гуруҳ раҳбари бошчилигида чегара, божхона ва тиббиёт хизматлари кўригидан ўтадилар. Ушбу расмиятчиликлар адо этилгач, паспорт ва авиачипталарни гуруҳ раҳбарига топшириб, ўзлари учун ажратилган автобусларда Мадинаи Мунаввара томон йўл оладилар. Зиёратчилар Мадинаи Мунавварага етиб боргач, гуруҳ раҳбарларининг кўрсатмаларига биноан меҳмонхонага жойлашадилар. Эркак ва аёллар алоҳида каватларга жойлашади.

Муҳтарам зиёратчилар, махсус тайинланган хизматчилар юкларингизни туширишда ва ётоқхонага олиб киришга ёрдам беради.

Автобусдан узок кетмай, юкларингизни текширинг ва ётоқхонага олиб кириг. Юкни ўз хонангизга қўйиб, ҳаммаси ўз жойида эканига ишонч ҳосил қилинг.

Подшоҳликдаги низом ҳамда тузилган битим шартларига кўра, меҳмонхоналарда зиератчилар учун куйидаги шароитлар яратилади:

— ҳар бир зиёратчига камида 3,5 кв. метр сатҳ ажратилади;

— ҳар бир зиёратчига алоҳида тўшак, ёстиқ ва ёпинадиган нарса берилади;

— ҳар бир ошхона ва каватда совутгичлар ўрнатилади;

— ҳар бир хонада хаво совутгичи ёки парраги бўлади.

Меҳмонхонага жойлашганингиздан сўнг гуруҳ раҳбари бошчилигида ташкилий равишда Ҳарами Набавий зиёратига борилади.

МАДИНАИ МУНАВВАРА ЗИЁРАТИ

Мадинаи Мунаввара ва хусусан, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг муборак масжидлари зиёратининг фазли ҳақида кўплаб ҳадислар келган.

لا تشد الرحال إلا إلى ثلاثة مساجد: المسجد الحرام
والمسجد الأقصى ومسجدي هذا

Ла тушаддур риҳалу илла ила саласати масажиди: ал-масжидул ҳарому вал масжидил ақсо ва масжидий ҳаза». Яъни «Кўч боғлаб зиёратга фақат уч масжидга борса бўлади: Масжидул Ҳарам, Масжидул Ақсо ва менинг мана бу масжидимга».

*صلاة في مسجدي هذا خير من ألف صلاة فيما سواه
إلا المسجد الحرام*

«Солатун фий масжидий ҳаза хойрун мин алфи солатин фийма сиваҳу илал масжидил ҳаром». Яъни «Менинг масжидимдаги бир намоз ундан бошқасидаги мингта намоздан яхшидир, фақат Масжидул Ҳарамгина ундан мустасно». Чунки Масжидул Ҳарамдаги бир намоз бошқа оддий масжидлардаги юз минг намозга тенгдир.

Зиёратчи, аввало, гуноҳларига, хусусан, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг суннатларига зид бўлган ишлардан тавба қилиб, кейин зиёратга отланади. Йўлда доимо Расулуллоҳ (с.а.в.)га салавот ва дурудларни айтиб боради. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг масжидларига киришдан олдин ғусл қилиб, ўзига хушбуй нарсалардан сепиб, энг яхши,

тоза кийимларини кийиб боради. Муборак масжидга етганда ўнг оёғи билан киради ва кириш наитида:

بِسْمِ اللَّهِ وَالصَّلَاةِ وَالسَّلَامِ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ أَعُوذُ بِاللَّهِ
الْعَظِيمِ، وَبِوَجْهِهِ الْكَرِيمِ، وَسُلْطَانِهِ الْقَدِيمِ مِنَ الشَّيْطَانِ
الرَّجِيمِ اللَّهُمَّ افْتَحْ لِي أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ

«Бисмиллаҳи вассолату вассаламу ѓала Росулиллаҳи, аъзузу биллаҳил ѓазим ва биважҳиҳил карим ва султониҳил қодийм минаш шайтонир рожийм. Аллоҳумма ифтах лий абваба роҳматик». Яъни «Аллоҳнинг номи билан Расулуллоҳга салавот ва саломлар бўлсин. Улуғ Аллоҳдан унинг карим ваҳҳи, қадим султони билан шайтони рожимдан паноҳ тилайман. Эй Аллоҳ, менга раҳмат эшикларингни очгин».

Сўнгра қалбидаги энг яхши дуоларни қилиб, Равза сари юради. Расулуллоҳ (с.а.в.):

مَا بَيْنَ بَيْتِي وَمَنْبَرِي رَوْضَةٌ مِنْ رِيَاضِ الْجَنَّةِ

«Ма байна байтий ва минбарий ровзатун мин риязул жанна», яъни «Уйим билан минбарим ўртасида жаннат боғларидан бир боғ

бор», – деганлар.

Шунинг учун Равзада икки ракъат намоз ўқиш афзалдир.

Кейин ниҳоятда одоб билан, оҳиста Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг қабрлари томон юрилади. Қабри шарифга юзни қилиб туриб, тўғрисига келганда:

السلام عليك يا رسول الله، السلام عليك يا خير خلق الله،
السلام عليك يا سيد المرسلين، السلام عليك يا إمام المتقين،
أشهد أنك قد بلغت الرسالة، وأديت الأمانة و نصحت الأمة و
جاهدت في الله حقاً جهاداً

Ассалому ғалайка я Росулаллоҳ ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ!» «Ассаламу ғалайка я хойро холқиллаҳ!» «Ассаламу ғалайка я саййидал мурсалин!» «Ассаламу ғалайка я имамал муттақин!» «Ашҳаду аннака қод баллагтар рисала ва аддайтал амана ва насоҳтал умма ва жаҳадта филлаҳи ҳаққо жиҳадиҳ», – дейилади.

Расулуллоҳ (с.а.в.)га салом бериш улкан бахт ва саодатдир. У зот ҳадиси шарифда: «Бирор киши менга салом берса, албатта, Аллоҳ менинг руҳимни қайтариб беради ва мен ўша одамнинг саломига алик оламан», – деганлар.

Сўнгра бироз юрилиб, ҳазрати Абу Бакр Сиддик (р.а.)нинг кабрларига рўбарў бўлинади. У кишига ҳам салом берилади:

السَّلَامُ عَلَيْكَ يَا خَلِيفَةَ الرَّسُولِ اللَّهُ السَّلَامُ عَلَيْكَ يَا
صَاحِبَ رَسُولِ اللَّهِ وَ أُنَيْسَةَ فِي الْغَارِ وَ رَفِيقَهُ فِي الْأَسْفَارِ وَ
أَمِينَهُ عَلَى الْأَسْرَارِ جَزَاكَ اللَّهُ عَنَّا أَفْضَلَ مَا جَزَى إِمَامًا عَنِ
أُمَّةٍ نَبِيَّهِ، السَّلَامُ عَلَيْكَ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ

«Ассаламу ғалайка я холийфата росулиллаҳ!»

«Ассаламу ғалайка я соҳиба росулиллаҳ ва анисаҳу фил гори ва рофиқоҳу фил ас-фари ва аминаҳу ғалал асрор. Жазакаллоҳу ғанна афзола ма жаза имаман ған уммати набиййиҳи!»

«Ассаламу ғалайка ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ!»

Яна сурилиб, ҳазрати Умар ибн Хаттоб (р.а.)нинг қабрларига рўбарў келинади ва салом берилади.

السَّلَامُ عَلَيْكَ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ، السَّلَامُ عَلَيْكَ يَا مَظْهَرَ
الْإِسْلَامِ! السَّلَامُ عَلَيْكَ يَا مَكْسِرَ الْأَصْنَامِ! السَّلَامُ عَلَيْكَ وَرَحْمَةُ
اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ

«Ассаламу ғалайка я амӣрал муъминин!»
«Ассаламу ғалайка я музҳирол ислам!»

«Ассаламу ғалайка я мукасирол аснам!»
«Ассаламу ғалайка ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ!»

Кейин киблага қараб, кўнгилдаги дуолар ихлос билан ўқилади. Зиёратчи Мадинада фарз намозларини жамоат билан Ҳарами шарифда адо этади. Равзаи мутаҳҳарада кўпроқ нафл намозлари ва Қуръон ўқилса, салават ва дурудлар айтилса мақсадга мувофиқ.

Макка Ҳарамига нима жорий қилинган бўлса, Мадина Ҳарамига ҳам ўша нарсалар жорий этилган. Шунинг учун ҳайвонларни овлаш, ўсимликларни кесиш ва ҳ.к.лардан сақланиш керак.

Қубо масжидини ҳам зиёрат қилиш савобли ишлардан, чунки Расулуллоҳ (с.а.в.): *«Ким уйида таҳорат қилиб, Қубо масжидига келиб намоз ўқиса, умрининг савобини олади»*, – деганлар.

Шунингдек, Мадинадаги саҳобалар дафн этилган Бақий қабристони, шаҳидлар қабристони ва Уҳуд тоғи тагидаги ҳазрати Ҳамзанинг қабрларини ҳам зиёрат этиш фазилатли амаллардандир.

Чунки Расулуллоҳ (с.а.в.) уларни ҳамиша зиёрат қилганлар. Зиёрат вақтида:

السلام عليكم دار قوم مؤمنين إنا إن شاء الله بكم
لاحقون نسأل الله لنا ولكم العافية

«Ассаламу ғалайкум дора қовмин
муъминийн инна иншааллоҳу бикум лаҳиқун.
Насалуллоҳа лана ва лакумул ғафийаҳ», деб
дуо ўкилади.

Мадинаи Мунаввара зиёратидан сўнг
махсус тайёрланган автобусларда Маккаи
Мукаррамага жўнаб кетилади.

Муҳтарам зиёратчилар, Маккаи
Мукаррамага етиб келганингизда
меҳмонхона хизматчилари юкларингизни
туширишда ва ётоқхонага олиб киришга
ёрдам беради.

Автобусдан узок кетмай, юкларингизни
текширинг ва ётоқхонага олиб кириг.

Меҳмонхонага жойлашиб, юкларингизни
жойлаганингиздан сўнг, қуйидаги
амалларни бажариш лозим:

– таҳорат қилинг ва эҳромингиз пок
эканлигига ишонч ҳосил қилинг;

– умрани адо этишга тайёрланинг;

– сизни умрани адо этишга, тавоф, саъй,
соч олдириш, эҳромдан чиқиш ва бошқа
ишларни қилишга гуруҳ раҳбари олиб
боради (умра қисмига қаралсин);

– гуруҳ билан бирга бўлишга, раҳбарингиздан узоқлашмасликка ҳаракъат қилинг, акс ҳолда адашиб қоласиз;

– Ҳарамга кетаётиб, ўзингиз билан пул олиб юрманг;

– умрани адо этганингиздан сўнг гуруҳ раҳбари ўз жойингизга олиб келади;

– кийимларингизни алмаштириб, дам олишингиз мумкин;

– турар жойингиз ва ўз хонангизда туринг.

Меҳмонхонага ҳар куни замзам суви келтириб турилади. Замзам – муборак сув, уни нима ният билан ичилса, шунга эришилади. У фақат Маккада бор, холос.

Муҳтарам зиёратчилар, Сиз Маккада Аллоҳнинг меҳмонидирсиз, намозни адо этинг, Аллоҳга ибодат қилинг. Турар жойингиздан узоққа кетиб қолманг, ўзингизни қуёшда олдирманг.

Ҳамма фарз намозларни Ҳарамда адо этишингиз шарт эмас, турган жойингизга яқин масжид жамоатига қатнашсангиз ҳам бўлаверади.

Ўзингизни ибодатдан бошқа нарса билан овора қилманг, нима учун келганингизни

унутмаган ҳолда, ибодатингиз билан машғул бўлинг.

Яшаб турган хонангизни озода сақланг. Хона ичида таом пиширманг ва чой қайнатманг. Таомни хонада сақламанг. Сувни исроф қилманг, чунки сув ташиб келтирилади. Ҳаммом ичига ва унитазга турли идишлар, латта, қоғоз ва бошқа нарсаларни ташламанг.

Сарф-харажатни камроқ қилинг, кутилмаган ҳолатлар бўлиши мумкин. Шунинг учун пулингизни турли совға, ҳадяларга сарфлаб қўйманг.

Соғлиғингизга эътибор беринг. Бедорлик, кўп юриш ва чарчашлардан сақланиб, ибодатга куч тўпланг.

Аҳли-оилангиз соғ-саломат қайтишингизга интизор бўлиб турибди. Турли муаммолар, йўл тўполонлари ва издиҳомлардан узоқда бўлинг.

Нимани ният қилиб келган бўлсангиз, шунга ҳаракъат қилинг.

Бекорчи ишларга аралашманг, аҳамиятсиз нарсалар кетидан тушманг.

УМРА

“Умра” сўзи зиёрат маъносини англатади. Ислом шариатида эса Байтуллоҳнинг махсус зиёратига умра, дейилади.

Куръони каримда: *واتموا الحج والعمرة لله* “*Ва атиммул ҳажжа вал умрата лиллаҳ*” – “Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун қилинг”, – деган оят бор.

Расулуллоҳ (с.а.в.): *الحج مكتوب والعمرة تطوع* “*Алҳажжу мактубун вал ъумроту татаввуъ*” – “Ҳаж фарз қилинган, умра ихтиёрий”, – деганлар.

Ривоятларга қараганда, Каъбатуллоҳнинг биринчи биносини отамиз Одам алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг фармонига биноан курганлар ва тавоф қилганлар. Нух тўфонидан сўнг Каъбани Иброҳим алайҳиссалом ўғиллари Исмоил алайҳиссалом билан қайтадан бино этганлар.

Байтуллоҳнинг қурилиши битгач, Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга одамларни ҳажга чақиришни буюради. У зот чақирдилар, чақириққа “Лаббай”, деб жавоб берганлар ҳажга келдилар.

Байтуллоҳни тавоф этиш ўшандан

бери давом этиб келмоқда. Фақат, Иброҳим алайҳиссаломдан кейин, вақт ўтиши билан бу ибодатга жуда кўп бидъат ва хурофотлар аралашиб кетди. Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом даврларига келиб, Каъбатуллоҳ ичида 360 та бут ва санам бор эди. Одамлар, кийимларимизни кийиб гуноҳ қилганмиз, Каъбани бу кийим билан тавоф қилиб бўлмайди, деб яланғоч ҳолда тавоф қилишар эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ўспиринлик даврларида Қурайш кабиласи Каъбани қайта таъмирлаган. Бу ишларда Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам фаол иштирок этганлар ва ўз қўллари билан қора тош (Ҳажарул асвад) ни Каъбанинг пойдеворига қўйганлар.

Ислом дини Аллоҳга номақбул амалларни йўқотиб, ҳақиқий ибодатни йўлга қўйди.

Умра амаллари қуйидагилардан иборат:

1. Эҳромга кириш.
2. Каъбани тавоф қилиш.
3. Сафо ва Марва тепаликлари орасида саъй қилиш.

4. Сочни олдириш ёки қискартириш.

Эҳромга ният билан кириш керак.

Эҳром арабча сўз бўлиб, лугатда “ҳаром қилмоқ” маъносини англатади. Чунки эҳромга кирган одам ўзига эҳромдан олдин ҳалол бўлган баъзи нарсалар ва ҳолатларни ҳаром қилган бўлади. Масалан, бошқа вақтларда ўзига хушбўй нарсаларни сепиш ҳалол эди, эҳромга киргач, бу нарса ҳаром бўлиб қолади.

ЭҲРОМГА КИРИШ ТАРТИБИ

Аёлларнинг эҳроми уларнинг сидирға (гулсиз мато) кийими бўлади.

Эҳромга кирмоқчи бўлган киши сочи, тирноғи, мўйлаби ва олиши лозим ҳаром тукларини олиб, сўнгра ғусл қилади. Кейин икки парча оқ, янги ёки ювилган матони бирини киндиги ва тиззасини қўшиб тўсадиган қилиб белига тугади. Буни “изор” дейилади. Иккинчиси елкаси аралаш айлантириб ўралади. Буни “ридо” дейилади. Бадани ва эҳром кийимига хушбўй нарса суртади, шарти – у нарсанинг ранги кийимда қолмаслиги керак. Сўнгра

икки ракъат намоз ўқийди. Биринчи ракъатда “Фотиҳа” сурасилан кейин “Кафирун” сурасини, иккинчи ракъатда эса “Ихлос” сурасини ўқийди. Шундан сўнг ният қилади:

اللهم اني أريد العمرة فيسرها لي وتقبلها مني

“Аллоҳумма инний урийдул ʔумрата, файассирҳа лий ва тақоббалҳа минний”, яъни “Аллоҳ, мен умрани ният қилдим, уни менга осон қил ва қабул эт”, дейди ва талбия айтишни бошлайди:

لبيك اللهم لبيك لبيك لا شريك لك لبيك إن الحمد و النعمة لك والملك لا شريك لك

“Лаббайкаллоҳумма лаббайк, лаббайка ла шарийка лака лаббайк. Иннал ҳамда ван неъмата лака вал-мулк ла шарийка лак”.

“Лаббай сенга ё Аллоҳ, лаббай. Лаббай Сенга, Сенинг шеригинг йўк, лаббай Сенга. Албатта, мақтов, неъмат ва подшоҳлик Сенга хос. Сенинг шеригинг йўк”.

“Лаббайка” айтиш билан инсон эҳромга кирган ҳисобланади, ўша

лаҳзадан эътиборан унга эҳром ҳукмлари жорий бўлади. Масалан, эркаклар учун тикилган ва бўёкли нарса кийилмайди, бош ёпилмайди. Хушбўй нарса сепилмайди, суртилмайди ва ёнида олиб юрилмайди. Жинсий алоқа ва унга тегишли иш ва гап-сўзлардан сақланиш шарт ва ҳ.к. Намоздан кейин, одамларни учратганда, тепаликка чиққанда ва ундан тушганда, саҳарда уйқудан уйғонганда — ҳамиша “Лаббайка” айтиб турилади.

ҲАРАМИ ШАРИФГА КИРИШ

Меҳмонхонага жойлашиб, таҳоратларни янгилагач, гуруҳ раҳбарларининг ҳамроҳлигида махсус ажратилган автобусларга ўтириб, Масжидул Ҳарамга йўл олинади. Масжидул Ҳарамнинг “Бабуссалом” (Салом дарвозаси), деб номланган эшигидан ўзини хокисор тутган ҳолда, талбия айтиб кирилади. Каъбатуллоҳга нигоҳ тушиши билан “Аллоҳу акбар” деб такбир айтилади ва “Ла илаҳа иллаллоҳ”, деб таҳлил айтилади ва қуйидаги дуо ўқилади:

اللهم زد هذا البيت تشريفا وتعظيما وتكريما ومهابة و
برا، وزد من شرفه وكرمه ممن حجه او اعتمره تشريفا
و تعظيما وتكريما ومهابة وبرا.

“Аллоҳумма зид ҳазал байта ташрийфан ва таъзийман ва такрийман ва маҳабатан ва бирран ва зид ман шаррафаҳу ва карромаҳу мимман ҳажжжаҳу ва иътамараҳу ташрийфан ва таъзийман ва такрийман ва маҳабатан ва биррон”, – яъни “Эй Аллоҳ, ушбу байтинг шарафи, улуғлиги, ҳурмати ва яхшилигини зиёда қил. Ҳаж ва умра қилувчилардан ким уни шарафласа ва улуғласа, ўшанинг ҳам улуғланиши, шарафи, ҳурмати ҳайбати ва яхшилигини зиёда қил”. Сўнг:

اللهم أنت السلام ومنك السلام، حينا ربنا بالسلام.

“Аллоҳумма антас салам ва минкас салам ҳаййина роббана бис салам”

Яъни: “Эй Аллоҳ, Сен салом (тинчлик) сан ва салом Сендандир.

Раббимиз, бизни салом билан ҳаёт кечирishiмизни насиб эт”, деган дуо ўқилади.

ТАВОФ

Кейин Ҳажарул асваднинг қаршисига тўғри туриб, худди намоздаги каби қўллар кўтарилиб, такбир ва таҳлил айтилади. Сўнг, тавофни бошлаш учун иложи бўлган тақдирдагина Ҳажарул асвад ўпилади, уни ўпиш суннат. Ҳажарул асвадни ўпаман, деб тўполонга кириб, уриниб, ҳориб-чарчаб, мусулмонларга озор бериш ҳоллари ҳам учрайди. Мусулмонларга озор бермаслик вожиб амаллардандир. Шунинг учун вожибга амал қилиб, мусулмонларга озор бермасдан, узокдан ишора билан такбир айтиб тавоф қилиш мақсадга мувофиқдир. Узрлилар қўллари ёки қўлларидаги бирор нарса билан ишора қилиб туриб, ўшани ўпадилар.

Албатта, бу иш тавофни ният қилган ҳолда бажарилади.

Тавофни бошлашдан олдин ўнг елкани очиш лозим. Бунда ридо ўнг кўлтиқдан ўтказилади (буни “идтибоъ” дейилади). Тавоф Ҳажарул асвад рўпарасидаги яшил чирокдан бошланади. Чап елка Байтуллоҳга қаратилиб, қисқа, шахдам қадамлар билан юриш бошланади

(бундай юриш “рамл” дейилади). Дастлабки уч айланишда рамл қилинади. Аёллар одатдагидек юрадилар. Ҳатим (Каъбаи Муаззама ёнида пойдеворга ўхшатиб кўтариб қўйилган жой) ни қўшиб айланиш вожиб. Ким орадан ўтиб, Ҳатимни қўшмай айланса, тавоф ўрнига ўтмайди. Шундай қилиб, Ҳажарул асваддан бошлаб тавоф қилиб, билган дуоларни ўқиб, рукнул Яманий ҳам истилом қилинади ёки унга қўл билан ишора қилиб, қўл ўпилади. (Рукнул яманий, тавоф йўналиши бўйича ҳисоблаганда, Каъбанинг Ҳажарул асвадга яқин қолган бурчагидир). Тавоф пайтида ўқиладиган махсус дуо ривоят қилинмаган, ҳар ким билганича дуо қилиб, Аллоҳга илтижо этса яхши бўлади. Рукнул Яманий билан Ҳажарул асваднинг ўртасида:

ربنا آتنا في الدنيا حسنة و في الآخرة حسنة
و قنا عذاب النار

Яъни: “Роббана атина фид дуня ҳасанатан ва фид охирати ҳасанатан ва қина ғазабан нор” дуосини ўқиш тавсия этилади.

Ҳажарул асвадга етилганда бир тавоф ҳисобланади. Яна “Бисмиллаҳи валлоҳу акбар”, деб Ҳажарул асвадни истилом қилиб, иккинчи тавофни бошлайсиз. Шу тарика етти марта тавоф қилиш лозим. Тавоф тугагандан кейин Мақоми Иброҳимда, белгили жой ёки унга яқин бирор ерда икки рақъат намоз ўқилади. Биринчи рақъатда “Фотиҳа” сурасидан кейин “Кафирун”, иккинчи рақъатда “Ихлос” сураларини ўқиш тавсия этилган. Сўнгра, Аллоҳга илтижо қилиб, хоҳлаганича дуолар қилинади. Кейин Замзам сувидан тўйиб ичилади, қиблага қараб дуолар қилинади. Замзамдан тўйиб ичиш мустаҳабдир. Расулуллоҳ (с.а.в):

زَمْزَمٌ لِمَا شَرِبَ لَهُ

“Замзаму лима шуриба лаҳ” – “Замзам нимага ичилса, шунга”, – деганлар.

Яна бир ҳадисда :

إِنَّهُ طَعَامٌ طَعْمٌ وَشِفَاءٌ سَقْمٌ

“Иннаҳу таому туъмин ва шифа’у суқмин” – “Албатта у (Замзам суви) очга таом, касалга шифодир”, – дейилади.

Хуллас, у нима ниятда ичилса, ўша ниятга иншааллоҳ, эришилади. Сўнг, Сафо тепалигига айтилади. Байтуллоҳга юзланиб такбир ва таҳлил айтилади. Расулуллоҳга салавот ва дурудлар айтилади. Икки қўл кўтарилиб, хожатлар Аллоҳдан сўралиб, дуолар қилинади ва Марва тепалигига қараб юрилади. Юришни:

إن الصفا والمروة من شعائر الله فمن حج البيت أو اعتمر
فلا جناح عليه أن يطوف بهما ومن تطوع خيرا
فإن الله شاکر عليم

“Иннас Софа вал марвата мин шаъа’ирилла фаман ҳажжал байта ав ўтамара фала жунаҳа ъалайҳи ай яттоввафа биҳима ва ман татовваъа хойран фаинналлоҳа шакирун ъалийм” ояти каримасини ўқиб бошлаш тавсия қилинган. Икки яшил чироқ ўртасидаги масофада лўкиллаб илдам юрилади ва бу ҳудуддан чиққанда эса яна оддий юрилади. Аёллар бу масофада ҳам оддий юрадилар. Марва тепалигига етиб борилгач, юқорироққа чиқиб дуолар қилинади. Бир томонга бориш бир саъй ҳисобланади. Сўнг, Сафога қараб юрилади. Сафо тепалигига етиб келганда икки саъй бўлади. Шу тарзда етти

марта саъй қилинади. Саъй вақтида “лаббайка“ айтилади ва дуолар қилинади. Ривоятларга кўра Расулulloҳ (с.а.в) ушбу дуони қилган эканлар:

لا إله إلا الله وحده لا شريك له، له الملك وله الحمد
يحيى ويميت، بيده الخير وهو على كل شيء قدير.

“Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ. Лаҳул мулку ва лаҳул ҳамд. Юҳйи ва юмийт. Биядиҳил хойру ва ҳува ʔала кулли шайин қодийр”.

لا إله إلا الله، ولا نعبد إلا إياه، مخلصين له الدين ولو كره
الكافرون. لا إله إلا الله وحده أنجز وعده، و نصر عبده، و
هزم الأحزاب وحده

“Ла илаҳа иллаллоҳ. Вала наъбуду илла ийяҳу мухлисина лаҳуд дина валав карихал кафирун. Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳ. Анжаза ваъдаҳу ва насаро ʔабдаҳу ва ҳазимал аҳзаба ваҳдаҳ”.

Сафо ва Марва ўртасида сайъ қилиб юрганларида:

رب اغفر وارحم أنت الأعز الأكرم
«Роббигфир варҳам антал аъаззул акром»,

— деган дуони кўп ўқиганлари ривоят қилинган.

Сафо ва Марва орасида саъй қилиб юрган инсон чақалоқ Исмоилни кумга ётқизиб қўйиб, Аллоҳдан нажот излаб, зир югурган Биби Хожарнинг ҳолларини эслайди.

Соч олдириш ёки қисқартириш. Саъй Марвада тугайди. Шу ерда илтижо этиб, дуолар қилинади. Саъй амали охирига етказилгач, эркаклар сочларини олдирадилар (ёки қисқартирадилар), аёллар эса, сочларининг учидан қирқиб ташлайдилар ва эҳромдан чиқадиладар.

Маккаи Мукаррамада зиёратга лойиқ жойлар тўғрисида гуруҳ бошлиғингиздан батафсил маълумот олишингиз мумкин.

ҚАЙТИШ

Зиёратчилар белгиланган куни гуруҳ раҳбарларининг ҳамроҳлигида автобусларга ўтириб, Жидда томон сафар қиладилар. Тайёрагоҳда улар чегара ҳамда божхона расмиятчиликларини бажаргач, Тошкент сари йўл оладилар. Жидда ва

Тошкент аэропортларида шошмасдан,
тиқилинч қилмай, жанжал ва асаб-
бузарликларга берилмасдан, тайёраларга
чиқиш ва тушишда ниҳоятда эҳтиёт бўлиб,
барча билан муомалада мулойимликни тарқ
этмасликни маслаҳат берамиз.

*Аллоҳ таоло барчанинг ибодатини
қабул қилган бўлсин!*

УМРА БАДАЛ

Умра бадал бу биров учун умра амалларини адо этмоқлик демакдир.

Қуйидаги кишилар учун Умра бадал қилиш мумкин:

1. Вафот этиб кетган одам учун.

2. Моддий таъминланган бўлса-ю, саломатлиги ёки қарилиги туфайли сафар машаққатларини кўтара олмайдиган бўлса.

Эслатмалар:

1. Умра бадал қилувчи шахс биринчидан ўзи учун илгари умра қилган бўлиши ва иккинчидан умра амалларини адо этишга шуруъ қилишдан илгари “мен фалончи учун умра қилишга ният қилдим”, дейиши шарт.

2. Ҳаром-ҳарийш ёки шубҳали йўллар билан топилган пулларни сарфлаб умра қилган шахсларнинг ибодатлари инобатга олинса-да, лекин улар ношаръий йўллар билан топган пуллари учун гуноҳкор бўладилар ва Аллоҳ томонидан жазоланадилар.

Қуйидаги телефон рақамларини унутманг:

1. Жиддадаги Ўзбекистон Республикаси Бош консулхонаси: 607-72-50

2. Саудия Арабистонидан Ўзбекистонга чиқиш коди 009-9871(2)
Ҳаж, Умра ва меҳмонхона хизматлари: Тел: 0505300622, 0505316760

Жидда бўлими тел: 0500837990,

Макка: Ажяд-Ассад тел: 5750540

Мадина: Марказ Илёс-2

Маълумотлар Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Дин ишлари бўйича қўмита экспертлар гуруҳи томонидан тақдим этилди.

УМРА ЗИЁРАТИ

Ношир: Абдулбосит Абдулборий

Муҳаррир	Сарвар Очилов
Бадий муҳаррир	Мардонхон Аслонов
Мусаҳҳих	Умида Инсонбосева
Саҳифаловчи	Садбархон Жўраева

Босишга рухсат этилди 20.06.2008. Бичими 70x90 ¹/₃₂. Офсет
босма. Шартли босма табок. 1,17. Нашр. т. 1,15. Буюртма № 67
Адади 4300 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.
Шартнома № 09-10-07

«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмаҳонасида чоп этилди.
100011. Тошкент, А. Қодирий, 11.